



TOSHKENT HAQIQATI

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243-сон фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш билан боғлиқ республика ва маҳаллий дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва мўлжалланмаган ер участкаларини ажратишда Ер кодексида белгиланган талабларга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан доимий назоратни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – "E-qaqor" тизимини (кейинги ўринларда – "E-qaqor" электрон тизими) доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларга нисбатан таъсир чораларини кўриб бориш;

ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминлини устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

илгор хорижий тажриба асосида ердан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, шунингдек, соҳага йўналтирилган тегишли бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқумат молия ташкилотлари маблағлари мақсадли сарфланишини ўрганиб бориш.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

"Ассалом, Наврўз – янгилалиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!"

Тақвим бўйича февраль ойининг сўнги кунлари бўлсада, юртимизда баҳор нафаси уфуриб турибди. Дарахтлар куртак ота бошлади. Қир-адирликлар яшил тусга кирмоқда,

баҳор элчиси – бойчечак униб чиқди. Баҳор келатганидан одамларни хабардор этишга ошққан бодом аллақачон гуллади. Момолар сумалак тайёрлаш тадоригини бошлади.

Баҳорнинг бошланиши Наврўз яқинлигидан дарақдир. Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган, табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгилалиш ва юсалишларни асрлар давомида тўла намоён этиб келатган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамимиздир.

Бу байрамни ҳар йили ўзгача интиқлик, завқ-шавқ билан кутамиз. Эзгу ниятларимизни, мурод-мақсадларимизни Наврўз билан боғлаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта қабул қилинган "2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан ушбу айёмнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаш, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик

сингари юсак ғоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётгани алоҳида таъкидланган.

Хабарингиз бор, сўнги икки йилда пандемия туйғайли Наврўзни ҳар доимгидек, кенг халқ иштирокида, оммавий сайил сифатида нишонлаш имконияти бўлмагани сабабли унинг қадр-қиммати янада ошгандек, гўё.

Қарорда 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини мамлакатимизда "Ассалом, Наврўз – янгилалиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлаш белгиланди. Наврўзнинг янгилалиш, меҳр-оқибат айёми эканлиги барчамизга яши маълум ва бунга ҳар биримиз ҳис қиламиз. Лекин бу йилги байрам бош ғоясида "қадр-қиммат" деган сўзлар ҳам қўшилганки, бу кейинги пайтда "Инсон қадрини учун" деган мақсад давлатимиз



Муносабат

Турли гина-қудуратларга барҳам берилди, ҳамжиҳатликда хайрли ишлар бошланади.

Шу каби юсак инсоний фазилатларни, минг йиллик қадрият ва анъаналарни ўзида мужассам этиб келатгани учун ҳам халқимиз ҳар йили Наврўзни орзиқиб кутади, эзгу ниятлари рўёбини шу кун билан боғлайди. Бу йил ҳам Наврўз ҳар бир юртошимиз ҳаётида янги саҳифа очишдан, ҳар бир хонадонга, бутун мамлакатимизга кут-баракат олиб келишидан умидворимиз.

Сарвар ХОЛНАЗАРОВ, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Ташкент вилояти бўлими бош мутахассиси

Маҳаллада ёшлар етакчилари иш бошлади ДАСТЛАБКИ ТАДБИРЛАР, ИЛК ҚАДРАМОНЛАР ЕТАКЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА НАЗАР



Ўтган ҳафта Тошкент вилояти ёшлари учун баракали, сермазмун келди, дейиш мумкин. Президент Администрацияси, Ёшлар ишлари агентлиги маъсуллари ҳудудда бўлиб, маҳаллада иш бошлаган етакчиларга фаолиятни қандай ташкил этиш бўйича амалий сабоқ беришди. Бу ишонч ва тавсиялардан руҳланган ёшлар ўзларининг илк тадбир ҳамда мулоқотларини ўтказишди. Қуйида ана шундай ёшлар ҳақида хикоя қилинади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ОЛМАЛИҚ ТОМОНЛАРДА

Олмалик шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов тадбиркорларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида турк инвестори "Сиркечи таштекстиль" МЧЖ корхонаси раҳбари билан учрашди.

Текстиль маҳсулотлари учун зарур бўлган калава иплар ишлаб чиқарувчи ушбу корхона жорий йилнинг 1-йрим йиллигида фаолиятини кенгайтириш ҳисобиغا 30-40 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган. 800 минг доллар хорижий инвестиция киритаятган корхонанинг барча маҳсулотлари экспортга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.



Шунингдек, шаҳар ҳокими йирик экспортчи корхоналардан бири – "Элегант гармент текстиль" МЧЖда бўлиб, тадбиркорнинг истиқболли лойиҳалари билан кизиқди. Учрашувда тадбиркор томонидан берилган таклифларни ўрганиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берди.



Бундан ташқари, "Олмаликсой" маҳалласидаги ҳар бир корхонага дарахт кўчатлари экиш учун бўш ер майдонлари ажратилиб, ишни тўғри ташкил этиш бўйича масъулларга тавсия ва тушунчалар берилди. Ажратилган майдонларга 20 турдан ортиқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Жараёнда шаҳар ҳокими, Халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда фаоллар шахсий намуна кўрсатишди.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Ипотека уйларининг шаффофлик билан йўл қўйиш тарзда ўз эгаларига етиб боришида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари қошида депутатлар ва жамоатчилик иштирокида тuzилган "Халқпарвар" комиссиялари фаолият юритмоқда.

Ушбу комиссиянинг Чиноз Алимбеков ҳисобот берди. туманидаги навбатдаги йиғини – Тадбиркорлар томонидан лишида туман ҳокими Ботир ипотека кредитлари асосида қу-

ҲОКИМ "ХАЛҚПАРВАР"ГА ҲИСОБ БЕРДИ

риладиган уй-жойлар 60 та бўлиб, буюртмачи вазифасини "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бажаради, – деб қайд этди туман раҳбари. – Кўп қаватли уйлари қуриш учун салоҳиятли, ўзининг моддий-техник базасига эга, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган компаниялар танлаб олинган.

Уларнинг нархи (бир квадрат метр учун) 4 миллион сўмдан ошмаган ҳолда белгиланди. Бундан ташқари, тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан 2 та кўп қаватли 114 хонадонли уй қуришмоқда.

"Қишлоқ қурилиш инвест" томонидан қуриладиган 2 та (40 хонадонли) уйнинг лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖга буюртма берилди. Бугунги кунда

бу 2 та кўп қаватли бинонинг том қисми ёпилган. Умумий ишлар ҳажми 75 фоизни ташкил этади. Қурилиш ишларини тугатиш муддати 2022 йилнинг апрель ойига белгиланган.

Шунингдек, "Тиллатопган" маҳалласи ҳудудида 4 та 5 қаватли, 20 хонадонли уй-жойлар қурилиши режага кўра бошланган.

Сурайё АҲМЕДОВА, комиссия аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси тавсияси асосида Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг амалий ёрдами билан "Электрон Кенгаш" платформаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимот ЭЛЕКТРОН КЕНГАШ ПЛАТФОРМАСИ

Тошкент вилояти ҳокимининг ташаббуси ва кўрсатмасига асосан, вилоят Кенгаши қотибияти мудири бошчилигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси раислари ва аъзолари Бухоро вилоятида бўлишди.

У ерда жойлашган "Ишга марҳамат" мономарказида Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши платформаси лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Лойиҳа муаллифининг таъкидлашича, "Электрон Кенгаш" платформаси икки қисмдан иборат. Биринчи қисми – маҳаллий Кенгашнинг ахборот портали, иккинчи қисми эса маҳаллий Кенгаш платформаси ҳисобланади.

Лойиҳада аҳоли томонидан маҳаллий Кенгаш депутати, шунингдек, ҳудуддан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ҳамда Сенат аъ-

золарига электрон тарзда мурожаат қилиш, мурожаатнинг ижросини тезкорлик билан ҳал этиш ва муаллифга жавоб бериш, депутат сўровини юбориш ҳамда уни назорат қилиб бориш, ўтказилаётган тадбирларни, хусусан, сессияларни онлайн тарзда ёритиш масалалари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Прокуратура органлари зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура таркибидан 8 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларига эса умумий сони 56 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлимлари (кейинги ўринларда – бўлимлар) ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган Бошқарма ва бўлимлар прокуратура органларининг 32 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг 15 та, Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 7 та, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агротехника мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 10 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Бошқарма ва бўлимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратураларга юклатилган вазифаларнинг ижро этиб борилишини ташкиллаштирсин.

3. Ер участкаларидан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича Бош прокуратура (1007 қисқа рақами) ва Кадастр агентлиги (1097 қисқа рақами) юборилган фотосурат ва видеоёзувлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқиладди;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиларига (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчилари) ўз ҳудудда қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи берилади, бунда:

мазкур сўровлар 5 иш кунида мажбурий тартибда қўриб чиқилиб, қурилиши бошланган бино ва иншоотларга рұхсат берувчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлар асосида олинган маълумотларни ўз биносидан барча фуқаролар учун қўриқарли бўлган жойда жойлаштирилади ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни бир кунлик муддатда ер соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга тақдим этилади.

Кадастр агентлиги икки ой муддатда Ер кодексининг 84-моддасида назарда тутилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний фойдаланиш бўйича хабар берган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки, ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини юритиш бўйича яратилган "E-YER NAZORAT" автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда – "E-YER NAZORAT" тизими) тақомиллаштириш мақсадида:

"E-YER NAZORAT" тизимига ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида қилиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини қўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг ҳудудий бўлинулари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади;

"E-YER NAZORAT" тизимида ер участкалари билан боғлиқ содир этилган жиноятлар бўйича маълумотлар хари-таси алоҳида юритилади.

Кадастр агентлиги Бош прокуратура ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда бир ой муддатда "E-YER NAZORAT" тизимига қўзғатилган жиноят ишлари ҳақидаги маълумотларни киритиш тартибини белгиласин.

5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўриб чиқиладди маҳаллий Адлия вазирлиги билан биргаликда:

"E-azor" электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равишда мониторинг қилиб боради;

мониторинг натижаларига қўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар юзасидан дарҳол прокурор назорати ташкил қилинишини таъминлади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мақтабча таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Худудга таъминот" АЖ, "Узтрансгаз" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Худудий электр тармоқлари" АЖ;

уч ой муддатда ўз тизимидаги қорхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказиш ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланилишини ўрганиб бориш;

ҳар чорада ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни Бош прокуратурага тақдим этиб бориш.

Мазкур бандда назарда тутилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига бириктирилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилана фойдаланилиши ҳамда улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин.

7. "Ўзбеккосмос" агентлиги Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар синов тариқасида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қўрай ва Тошкент туманларида ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чораларини кўрсин.

Вазирлик ва идоралар "Ўзбеккосмос" агентлиги сўровига асосан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминласин.

Бунда космик суратларни олиш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар "Ўзбеккосмос" агентлиги ва Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

"Ўзбеккосмос" агентлиги Кадастр агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда ўтказиладиган синов натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг бутун ҳудудига жорий этиш юзасидан тақлифлари 2023 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзларининг юридик хизматлари, ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорларини қуйидаги график асосида хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин:

2022 йил 1 майга қадар – 2016-2021 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2022 йил 1 августга қадар – 2006-2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2023 йил 1 январга қадар – 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

"Узархив" агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда 2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, қолхозлар аъзоларининг умумий махлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

Ҳоким ёрдамчилари хатлов натижасида аниқланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида фуқароларга фаол амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ер кодексининг 831-моддасида ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ер участкаларидан мақсадли ва оқилана фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш мақсадида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экин ерларидан оқилана ва самарали фойдаланилиши, режадаги экинларнинг экилиши ва парваришланиши аҳоли бўйича ҳар чорада қамда бир маротаба мониторинг ўтказсин;

Кадастр агентлиги ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчилик билан ўзгартиришига йўл қўймаслик чораларини кўрсин, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтирсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги амалга оширилган ишлар натижаси ҳақида ҳар чора якунидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратурага ахборот бериб бориш.

10. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш юзасидан тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими, ҳудудий тезкор-қидирув хизматларида эса Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлинулари ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган тузилмалар 73 та штат бирлигидан иборат бўлиб, улар ички ишлар органларининг 30 та, адлия органлари ва муассасаларининг 43 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

11. Белгилансинки: прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги

ташкил этилаётган тузилмаларга ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг учувчисиз учин аппаратлари (дронлар)дан, заруратта қўра, тўловсиз фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибидаги Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими ва унинг ҳудудий бўлинулари билан ер муносабатларига оид жиноятларга қарши курашиш фаолиятини устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органларининг мазкур қарор билан ташкил этилаётган бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилади.

Кадастр агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга қўчмас мулк объектлари, уларнинг мулкдорлари ва эгаллик тарихи ҳақида маълумотларни Қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестридан онлайн олиш имкониятини яратсин.

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича давлат манфаатлари ва ички ишлар органларининг 10 фоизи тегишича мазкур органларнинг бюджетдан ташқари маблағларига ўтказиб борилинсин.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари ходимларини уларга юклатилган вазифалардан ташқари бошқа ишларга жалб қилиш қатъий тақиқлансин.

13. Олий суд:

2022 йил 1 апрелга қадар ер участкаларида ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ ишларни қўриш амалиётини умумлаштириб, бу тоифадаги ишларни қўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тавсияларни берсин;

2022 йил 1 июлга қадар мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган қўчмас мулк объектлари билан боғлиқ ҳолатларни батафсил ўрганиш ишларини ташкил этсин ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифларни киритсин.

14. Бош прокуратура манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Бош прокуратура мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг тақлилий-штат тузилмаларини тасдиқласин.

Молия вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тегишича Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда ички ишлар органларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадалига ўзгартиришлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т.Ўлдошев, ички ишлар вазири П.Р.Бобонов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Қудбийев белгилансин.

Қарор ижросини муҳофаза қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

ДАСТЛАБКИ ТАДБИРЛАР,
ИЖ ҚАДРАМОНЛАР
ЕТАКЧИЛАР
ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Чирчиқ шаҳри

"ИФТИХОР" – БУ МАҲАЛЛАДА
СИТОРА ИШ БОШЛАДИ

Чирчиқ шаҳридаги "Ифтихор" маҳалласи ёшлари учун февралнинг учинчи хафтаси қизиқарли кечди. Маҳаллада иш бошлаган етакчи Ситора Бўриқева илк мартаба ёшлар учун кенг қамровли маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ўтказди.

Шаҳар мутасаддилари қарор қилди. Шундан 767 нафари ёшлардир. Етакчи айни пайтда улар билан бир-бир суҳбатлашиб, ҳаётда ўз ўрнини топишларига елкадош бўлишни режалаштирган. Омад, Ситора!

Ўрта Чирчиқ тумани

ЧЕМПИОН ҚИЗ МАҲАЛЛА
ЁШЛАРИНИНГ САРДОСИ

Ажабланманг, волейбол бўйича 4 қарра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ўйинлари иштирокчиси Нозима Ақромова ўзи улгайган "Файзобод" маҳалласида ёшлар етакчиси сифатида иш бошлади.

Тиниб-тинчимас спортчи қиз маҳалла терма жамоасини шакллантириб, ҳар куни ёшларга мастер-класс ўтмоқда. Айтганча, маҳаллалараро ўтказилган чемпионатда фай-зободлик ёшлар билан беллашишга эҳтиёт бўлинг-а. Бунақа мураббий ва бунақа шижоат билан улар Республикада юқори ўринларни эгаллашлари аниқ. Шунчаки айтид-қўйдик-да. Ана бунда ташаббус деса бўлади, баракалла, Нозима!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Юқори Чирчиқ тумани

ЎРТОҚ БЕКПҮЛАТОВ "КОСМИК
ТЕЗЛИК"ДА ИШЛАПТИ

Юқори Чирчиқдаги "Янгиобод" маҳалласини биласизми? Ўролбойнинг айтишича, маҳалла аҳолиси, асосан, иссиқоналар билан шугулланади. Шунингдек, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлар қизғин.

Айтганча, танишинг. Ўрол Бекпүлатов – 27 ёшда, мутахассислиги физик. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини битирган. Яқинда маҳаллада Ёшлар ишлари агентлигининг вакили вазифасида иш бошлади. "Крутой" йигит, тилла бола, ҳақиқий сардор.

Хуллас, бугун Ўролбой "Янгиобод" маҳалласидаги 1 миң 737 нафар ёшнинг етакчиси. Эрталабдан бошланиб, кун бўйи давом этган қизқарли тадбирлар – Ўрол Бекпүлатовнинг биринчи катта иши. Футбол тилида айтганда, ҳисоб очилди. Ўрол ҳали кўп қизқарли тадбирлар ўтказди, маҳалла ёшларини эзгу ишларга етаклайди.

Айни чоғда у ўтказган илк йирик тадбирда шахсан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари Одижон Тожиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Зўҳра Мирзиёева, туман ҳокими Ўскенбой Атемов иштирок этганини унутмайди. Уларнинг барчаси бугун Ўролнинг ёнида туришди, унга ёрдан беришди, чин маънода келгуси фаолиятига оқ йўл тилашди.

Бўёғини сўрасангиз, ёш физик, фаол ташкилотчи Ўрол Бекпүлатов ҳам "космик тезлик"да фаолиятига киришгани яққол сезилиб турибди...

Чиноз тумани

БУРҲОН БОБУРШОҲ МЕРОСИНИ ЧИНОЗГА ҚАЙТАРДИ

Қадим-қадимларда ота-бобаларимиз от устида йўртиб, дадил ҳаракатлар билан завққа чўмиб ўйнаган ўйин бор эди. Унинг номи "чавгон" бўлган.

Тадқиқотларга қараганда, Мирзо Бобур шу ўйинни Хиндистонда ҳам жорий этган. Кейинчалик инглизлар хиндлардан бу ўйинни ўзлаштириб, маълум қондалар ва тартиблар киритиб, "поло" деб номлаб олишган.

Айни пайтда "поло" жаҳонда томошабоп, миллионлаб мухлисларга эга совамил спорт тури ҳисобланади. Шунингдек, бу спорт тури Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Чиноз туманидаги "Каналобод" маҳалласида иш бошлаган ёшлар етакчиси Бурҳон Ғайбуллаев маҳалла ёшлари ўртасида мусобақа ўтказиш учун қадимий "чавгон"ни танлади. Шундай қилиб

Оҳангарон шаҳри

ФОТОАППАРАТ ВА СУННАТ

Суннат Сапаралиев аввал "Камалак" ташкилоти, кейинроқ "Камолот", Ёшлар иттифоқида "қайнади", сардорлар мактабининг фаолларидан бири бўлди. Сўнгра фотоаппаратни қўлга олиб, журналистика соҳасига кириб келди.

Фотограф сифатида танилди. Тошкент вилоятининг энг маҳоратли фотомухбирларидан бири бўлиб қамолга етди. Лаҳзани ушлаб қолиш, назик дақиқаларни ҳис қилиш, расмий-норасмий тадбирлар моҳиятини англаб, кейин объективни ишга солиш сингари хусусиятлар шаклланди.

Сўнгра Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматида ишлади. Ишлаганда ҳам туну кун, чарқок билмасдан, ғайрат билан ишлади. Мехнатлари эътироф этилди, "Энг улуг, энг азиз" Республика танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди, бошқа турли танловларда ҳам ғолиблар сарфида бўлди.

Янги тизим жорий этилган, Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакиллари ла-

Мусобақада сараланган 4 та жамоа сафидаги 48 нафар чавандоз майдонда қизгин курашди. Майдон отларнинг дупуриро ишқибозларнинг оқлиқшига тўлди.

Бурҳонддин, кўп яш!

Маҳалла ёшлари от устида беллашиб, "поло" спорт тури, унинг қондалари билан танишдилар, ўйиннинг завқини ҳис қилиб қўрдилар.

Мусобақада сараланган 4 та жамоа сафидаги 48 нафар чавандоз майдонда қизгин курашди. Майдон отларнинг дупуриро ишқибозларнинг оқлиқшига тўлди.

Бурҳонддин, кўп яш!

Мусобақада сараланган 4 та жамоа сафидаги 48 нафар чавандоз майдонда қизгин курашди. Майдон отларнинг дупуриро ишқибозларнинг оқлиқшига тўлди.

Объектив айтганда, ҳар икки томон ҳам ютқазмади... Беҳзод ҚОБУЛОВ, "Ёшлар кундалиги" лойиҳаси раҳбари



Аброр ЭСОНОВ ва Нозимжон ИСМОИЛОВ оған суратлар

Сарҳисоб



Қайд этилганидек, 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахнинг идентификация ID-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширила бошланди. Вилоятда тажриба тариқасида Нурафшон, Охангарон ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Зангиота туманида бу амалиёт кўлланилмоқда. Шунингдек, 2021 йилда вилоятдаги 22 та туман ва шаҳар Давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига 1 миллиондан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. 162 мингдан ор-

Нурафшон шаҳрида Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш, ҳудудда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яра-

тиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоби бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат хизматлари: КЕЧА ва БУГУН

тиқ фуқаро хизматлардан мустакил равишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz орқали фойдаланди. — Утган йили энг кўп мурожаатлар болаларни мактабга таълим ташкилотларига жойлаштириш, кадастр паспортини бериш, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза юбориш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш, пенсия (нафақа) ҳақида маълумотнома олишни ташкил этди, — дейди ДХА вилоят бошқармаси бошлиғи И. Абдухатиров. Бундан ташқари, давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 19 минг 117 тани ташкил этиб, шундан 7 минг 742 таси юридик шахслар, 11 минг 375 таси яқка тартибдаги

тадбиркорлардир. Давлат рўйхатидан ўтган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 35 тани ташкил этди. Маълумки, олис ҳудудларда ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, вилоятда Давлат хизматлари марказининг 9 та филиали ташкил этилган. Утган йил давомида улар томонидан кўрсатилган хизматлар сони 9 мингдан ошди. Чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида 15 минг 410 та сайёр давлат хизматлари кўрсатилди. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани юзасидан

бошқармага келаётган хабарлар бўйича тегишли чоралар қўрилмоқда. Хусусан, ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида 32 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 31 минг 365 тасида мuddат бузилган бўлса, 302 та ҳолатда мурожаатлар асосиз рад этилган. Шунингдек, 199 та ҳолатда эса тўғридан тўғри хизмат кўрсатилгани ва 149 тасида бошқа қонунбузилишлар аниқланди. Якунда журналистлар ўз саволларига мутахассислардан жавоб олишди.

Нигора УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Сурат ДХА Тошкент вилояти
Ахборот хизматидан олинди

СПОРТ

янгиликлари

"Бокс маликаси"нинг яна бир ғалабаси

Болгарияда бокс бўйича нуфузли "Странжа" турнири давом этмоқда. Унда иштирок этаётган юртимиз чарм қўлқоп усталари дастлабки жангларини ўтказишди. Хусусан, қизлар ўртасида -52 кг. ваэн тоифасида баҳс олиб бораётган вилоятимиз "Бокс маликаси" Турсуной Раҳимова илк босқичда қозғистонлик Аралим Маратга қарши рингда кўтарилди. Қизғин ва муросасиз ўтган жангда Турсуной рақибдан устун келиб, кейинги босқичга йўл олди.

Нурсултоннинг навбатдаги рақиб ким?

Ўрта ваэн тоифасидаги ўзбекистонлик MMA устаси Нурсултон Рўзиевнинг навбатдаги жанг санаси ва рақиб маълум бўлди. Ҳамюртимиз 11 март санасида Brave FC 57 турнири доирасида бразилиялик Луис Филлип Диасга қарши октагонга чиқади. Мазкур турнир Бахрайин мезбонлик қилади. Маълумот учун, Нурсултон жорий йил 20 февраль кун Тошкент шаҳрида ташкил этилган MMA бўйича "Octagon 27" турнирида иштирок этиб, рақибини 54 сонияда таслим қилганди.

Тўрт ўйин — тўрт дуранг

Айни кунларда "Meltwater Champions Chess Tour" онлайн турнирлар доирасидаги илк мусобақа — "Airthings Masters" давом этмоқда.

Мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур турнирда сайёраимизнинг энг кучли 16 гротмейстери иштирок этапти.

Улар орасида ҳамюртимиз, рапид йўналиши бўйича амалдаги ва шу билан бирга энг ёш жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов ҳам бор. Вакилимиз 4-турда жаҳон тождори, мазкур турнирнинг амалдаги голиби Магнус Карлсенга қарши донна сурди.

Қизикarli ўтган баҳсда голиб аниқланмади. Шу тариқа, шахматимиз ўтказилган 4 та баҳсининг барчасида дуранг натижа кайд этди.

Маълумот учун, Нодирбек 2021 йил якунида ўтказилган жаҳон чемпионати финалида Магнус Карлсенни мағлуб этиб, энг ёш жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган эди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Уловга "ЮКЛАНГАН" ХАТАР

Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларидан нотўғри фойдаланиш ва газ қувурлари муҳофазаси қоидаларига риоя этмаслик инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин



Сўнгги маълумотларга қараганда, автотранспорт воситаларининг 60 фоиздан ортиғи муқобил ёқилғи сифатида сиқилган табиий газдан фойдаланмоқда. Бу ҳол мазкур соҳада хавфсизлик масалаларини таъминлашни кун тартибига қўйгани табиий. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш ҳамда уларда газ баллон асоб-ускуналари хавфсиз ишлатишни таъминлаш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 22 декабрдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 19 сентябрдаги "Газ баллонларини билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шойлиқ чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида бу жиҳат-

лар атрофича қамраб олинган бўлиб, бир қатор чора-тадбирлар қўриб келинмоқда. Шунга қарамай, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларида газ баллонларини тўлдиришда, газ баллонни ускуналарининг бировикан жойлари зичлиги ва ишончилигини даврий синовдан ўтказишда, шунингдек, жисмонан ва маънан эскирган газ баллонларидан фойдаланиш оқибатида белгиланган талаб ва тартибларни бузиш ҳолатлари учрамоқда. Айтиш жоизки, "Сиқилган ва суюлтирилган газда ҳамда дизель ва газ аралашмасида ишлайдиган автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги" тўғрисидаги умумий техник регламентда "СПГ" русумли газ баллонларга 2,0 МПа ва "СНГ" русумли газ баллон-

ларга 1,6 МПа дан юқори бўлмаган босимда табиий ва суюлтирилган газ қўйилиши белгиланган. Бироқ, "Ўзнефгазинспекция" Тошкент ҳудудий бошқармаси томонидан 2021 йил давомида Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган Автомобилларга газ тўлдириш шахобча (АГТКШ)ларида ўтказилган ўрганишлар давомида жами ўрганилган 129 та АГТКШларнинг 34 тасида юқорида кўрсатилган умумий техник регламентга риоя этилмаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ўтказилган ўрганишлар давомида "Худудгаз Тошкент" ва "Тошкент МГҚБ" тасарруфидagi газ қувурларининг муҳофазаси минтақасига риоя этилмаган ҳолда жами 1 минг 680 ҳолатда ноқонуний қурилмалар, ўй-жой бинолари қурилгани маълум бўлди. Мазкур ҳолатлар юзасидан "Худудгаз Тошкент" ва "Тошкент МГҚБ" томонидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиниб, 416 та ноқонуний қурилмалар ва ўй-жой биноларининг қурилиши тўхтатилди. Юқорида қайд этилган қоидабузарликлар инсонлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказадиган, шу жумладан, кўпинча ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётгани таъминланганлиги аниқ. Шу боис, барча истеъмолчи ва фойдаланувчилардан юқоридаги қонуности ҳужжатлар ҳамда умумий техник регламентда белгиланган қоида ва тартибларга сўзсиз риоя этишларини сўраймиз.

"Ўзнефгазинспекция"
Тошкент ҳудудий бошқармаси

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи асосланган. Президентимиз томонидан 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонда мамлакатимизнинг келгуси беш йилликдаги муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотларини жадал амалга ошириш мақсадида Тараққиёт стратегияси билан мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги та-

Қарори маъмурий судлар тизимидagi ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Қарорга мувофиқ: — маъмурий суд ишларини юритишни "суднинг фаол иштироки" тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқ бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шарт йратиш; — ҳуқуқ бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда

ҚОНУНЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизда, аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади.

мойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш вазифалари белгиланди. Жумладан: — ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши; — қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг қўллаш; — оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиниши белгиланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади, аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар ҳисобидан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиниши белгиланди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни бериш тизими жорий қилиш, ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган тадбиркорлик, мезморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда ўзининг аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустакил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 29 январдаги "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги

бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш; — маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаслигини ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг қўллаш; — оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиниши белгиланди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни бериш тизими жорий қилиш, ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган тадбиркорлик, мезморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда ўзининг аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустакил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 29 январдаги "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги

Б. НОРМАМАНОВ,
Нурафшон туманлараро
маъмурий суди раиси
М. ТОШПУЛОТОВ,
маъмурий суд судьяси

Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклидаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON" АЖнинг 22.02.2022 йилдаги №45/01-сонли бюртманомасига асосан, қуйидаги бино ва иншоотлар очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 50-уйда жойлашган умумий ер майдони 941,0 кв.м., умумий қурилиш ости майдони 568,99 кв.м. бўлган "13-сонли Дорихона бино ва иншоотлари", бошланғич баҳоси — 4 800 000 000 сўм;

Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Магистрал кўчасида жойлашган умумий ер майдони 3351,74 кв.м., жами қурилиш ости майдони 975,19 кв.м. бўлган "28-сонли Дорихона бино ва иншоотлари", бошланғич баҳоси — 5 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2022 йил 24 март кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уйда бўлиб ўтади.

Харидор (аукцион голиби) 10 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини имзолаши лозим. Савдонини ташкиллаштириш учун комиссия йўғини савдо голиби томонидан сотилиш баҳосининг 0,5 фоиз миқдориди, шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорлар томонидан 1 000 000 сўм кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномага асосан тўланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Талабгорлардан бюртманомалар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар realtorservice@mail.ru. электрон почта ёки (78) 147-40-00, (90) 805-14-47, (99) 629-79-30 телефонлари орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Нортажи Ҳалиловга волидаи мухтарамаси

Майсара ая ҲАЛИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Кўйи Чирчиқ тумани бўлини маси раҳбари

Ғаффор ШОДМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ҳамда оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Чиноз туманидаги 1-сонли мактаб томонидан 1991 йилда Абдуллаева (Беридзе) Гулбахор Мансуровна номига берилган 494674 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТАЁТГАН МАҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА – ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Дарҳақиқат, пойтахт вилояти инсоният илмий-маданий тамаддунига ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг йирик маданий минтақаларидан бири. Қадимдан у Чоқ давлати сифатида дунёга маълуму машҳур бўлган, илм-фан ва маданият, давлатчилик ривожланган, деб ёзади мухбир Шахзод Ғафоров.

Вилоятдаги айрим қоятош суратлар Марказий Осиёдаги петроглифлар орасида сюжет ва композиция жиҳатидан бетақдор ҳисобланади. Хўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Оҳангарон ва бошқа жойлардан топилган петроглифлар ўзига хослиги билан тадқиқотчилардан ташқари ташриф буюрувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудида 828 та моддий маданий мерос объекти бўлиб, шундан 588 таси археология, 7 таси архитектура, 74 таси монументал ёдгорлик, 159 таси диққатга сазовор жойлардир. Шунингдек, 223 таси маҳаллий ва 605 таси республика аҳамиятидаги объект сирасига киради.

Айтиш жоизки, 2016-2021 йиллар давомида 18 та маданий мерос объектида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадлар учун жами 18 миллиард 582 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўқори Чирчиқ туманидаги "Йиқ ота" зиёратгоҳи яқин вақтларгача жуда хароб ҳолатда эди. Зиёратгоҳ 2020 йилда туман ҳокимлиги ташаббуси билан тўлиқ таъмирланиб, обод масканга айлантирилди. Жумладан, мажмуада намозхона, кутубхона қурилди, зиёратчилар учун барча шaroитлар яратилди. Мақбара ўтмиш ва бугунги кун бунёдкорлигини ўзида уйғунлаштиргани билан эътиборни тортади. Ҳовлилар кенг ва шинам. Намозхонаси эса ёруғ ва чарогон. Бир сўз билан айтганда, ушбу маскан зиёратга келувчилар ва хорижий меҳмонлар учун замонавий сайёҳлик масканига айланган.

Таъқидлаш жоизки, 2021 йилда Оққўрғон ту-

манида жойлашган "Шомирқори авлиё" зиёратгоҳи, Бекобод туманидаги "Бузрук бува" мақбараси ва "Темиртаки ота" мажмуасида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилди. Мақбаралар ва айвонлар барпо этилди. Зиёратгоҳлар ҳудуди ободонлаштирилди.

Бўстонлик туманидаги "Шайх Умар Вали Боғистоний" ва Паркент туманидаги "Заркент ота" зиёратгоҳларида айна пайтда таъмирлаш ва тиклаш ишлари, мақбаралар қурилиши давом этмоқда.

Шу билан бирга, 20 та моддий-маданий мерос объектига олиб борувчи йўл курсаткич белгилари ва 1 та электрон ҳисобга оладиган турникет, "Шоабдумалик ота", "Зангиота" зиёратгоҳларида Wi-Fi нуқта-



Тошкент вилояти нафақат қулай географик жойлашуви, сўлим табиати, нуриқор тоғлари, шунингдек, маданий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу ерда "Шоабдумалик ота", "Шайх Умар Вали Боғистоний", "Зангиота", "Йиқ ота" зиёратгоҳлари, "Гумбаз бобо" мақбараси, "Қайнарғумбаз" сардобаси, "Шоҳруҳия" шаҳристонни каби тарихий қадамжолар борки, улар вилоятнинг буюк ўтмиши, кўхна ва бой маданиятидан сўзлайди. Бу эса ҳудудда зиёрат туризмини ривожлантириш учун кенг имконият яратади.

Бу ҳақда яқинда "Янги Ўзбекистон" газетасида махсус мақола эълон қилинди.



Оҳангарон туманида "Маржонтепа" маданий мерос объекти аниқланди.

ИЛК ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ КЛАСТЕРИ

Тошкент вилоятидаги "Шоҳруҳия", "Қанқа", "Сардоба", "Оҳангарон", "Қорихона" каби археология маданий мерос объекти хамда "Зангиота" мажмуаси ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси марказининг Сирдарё-Фарғона коридори номзодмасига киритилиш ишларини яқунлаш режалаштирилган.

2022 йилда бюджет ва ҳомийлик маблағлари асосида 16 та маданий мерос объектини асраб-авайлашга доир ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, музей ва унинг филиалларида мавзуга оид экспозициялар яратилади, уларга ташриф буюрувчилар сонини ошириш мақсадида кўчма кўргазмалар сони оширилади.

Тошкент вилояти маданий мерос бошқармаси мамлакатимиздаги илк зиёрат туризми кластерини ташкил этиш гоёсини илгари сурган эди. Ушбу туризм кластери 2022-2023 йилларда Оҳангарон туманида жойлашган "Шоабдумалик ота" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилади. Мазкур маҳаллада "Шоабдумалик ота" зиёратгоҳи жойлашган. Кластерни ташкил этиш учун Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағлари хамда ҳомийлар ҳисобидан 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

– Мазкур зиёрат туризми кластерини 2023

лари хамда 20 дан ортиқ объектида муҳофаза белгилари ўрнатилди.

Шунингдек, 200 та моддий-маданий мерос объектини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш, рақамлаштирилган паспорти ва каталогини ишлаб чиқиш, уларнинг 200 тасининг қўриқланадиган тўраларини белгилаш ва рақамлаштириш ишлари бажарилди.

Вилоятда нафақат мавжуд тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш шароитига, балки янги археологик ёдгорликларни излаб топишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Утган йили олиб борилган тадқиқотлар, изланишлар натижасида Паркент туманида "Патир тепа" хамда



ПАРКЕНТДА ОТЛАР КИШНАГАН КҮН

Эзэс, бу мен сизга ойтсам ҳафта давомида хоти қалам қилиб, бориб, қуриб, билиб, элга намоён қилиб ойдагидан гаплар, жозадиган жойлар Янгийулу Бекободда, Нурафшондан нари берида... Шўйтиб айтсак, Тошкент вилоятининг ҳамма жерида ёхши гаплар, ёхши ишлар кўп бўлди.



Ҳаммани кўнглини бирдай тоғиб бўлмади. Чопони чирилганлар бўлди, қоқоқи уйилганлар бўлди.

Жигитларни ичида бўриман деганлар, полвонлари орасида зўриман деганлар, наҳорги ошини ошлаб, қамчи билан елкасини қашлаб, муртини бураб, узангига оёғини тираб Паркентдаги кўпқарига борди.

Тошошнинг саवоби ҳам, жавоби ҳам туманди шойи, назари бойи Шоҳруҳ оғани бўйнида бўлди, соврунни каттаси – оти зўрнинг қўйнида бўлди.

Тошошага эл йиғилди. Ёшу қарилар, тоғни тепасидан нозли парилар, белбоғи тўла зарилар олқини ойттаберди. Човогонлар бирин-бирин улоқди ойириб, маррадан қойтаберди.

Паркент ҳокими Шоҳруҳ Шохамедов номи-

дан қўйилган соврун учун човогонлар кучини ўнг босди, отлар оёғини кенг босди. Аъзамжон Сайдуллаева бас келаман деганлар отига қамчини тенгма-тенг босди.

"Учок" маҳалласидан келган Аъзамжон човогонлар орасида олоҳида толантакан, юрагининг чўғи боландакан.

Даврани энг зўри, от учун ташланган улоқни айирган бўри – шул бўлди.

Кўпқарида хурсандчилик мўл бўлди. Бовалар – журтти тинчлигини тилаб дуолар ойтди. Эсон кеганлар уйига эсон қойтди.

Бахши БОЛА

Етмишни қаршилаяпман. Эсимни танибманки, турли газета ва журналларни мутулаа қиламан. Айниқса, севимли газетам "Тошкент ҳақиқати"га 1977 йилдан бери доимий равишда обуна бўлиб келаман. Газетанинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман ва келиши билан ҳамма ишимни қўйиб, ўқишга киришаман.



СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ ЯНА МЕН БИЛАН

Лекин айрим сабабларга кўра 2022 йил учун газетамга обуна бўла олмаганимдан кўнглим хижил бўлаётгани. Бир кунни денг, туман ҳокимлигининг ходимлар келиб, менга вилоят ҳокимининг совғасини топширишди. Хатни очиб ўқиб, қувониб кетдим. Менден оддий бир қишлоқ аёлига вилоят ҳокимининг бундай эътиборидан жуда таъсирландим. Илгари ҳеч бунақа совға олмаганман. Қай-


та-қайта ўқиганимдан, ундаги сўзлар ёд бўлиб кетди: "Сизини ва оила аъзоларингизни Янги – 2022 йил билан чин дилдан қўтлаш билан бирга, байрам совғаси сифатида Сиз яшаётган манзилга вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кўзгуси бўлган – "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарини бутун йил давомида бепул етказиб беришга аҳд қилдик".

Мана, бу йил ҳам севимли газетам мен билан бирга. Унинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб чиқаман, республикада, вилоятимизда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришларни қўни-қўшнилариам, невар ва эвараларимга гапириб юраман.

Бизни уйлаб, шундай қулайлик яратиб берган масъулларга миннатдорчилик билдираман.

Бибигул ЖАППАРОВА
Қуйи Чирчиқ тумани

БОЛАЛИГИДАН САНЪАТ, МУСИҚА ВА КИТОБГА ОШНО БУЛГАН ИНСОНДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ЁМОНЛИК ЧИҚМАЙДИ, ДЕЙШАДИ. КИТОБХОНЛИК ЭСА, АВАЛО, ГАЗЕТА ЎҚИШДАН БОШЛанаДИ. МЕН ҲАМ ЁШЛИГИМДАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ СЕВИБ ЎҚИРДИМ. ПОЧТА ТАЛОННИНГ УЙГА ГАЗЕТА ОЛИБ КЕЛИШИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТАРДИМ.



Қизиқишим кейинчалик касбим тақозоси билан заруриятга айланди. Кўп йиллар мактабда болаларга мушқаддан дарс бердим. Ўқитувчилик фаолиятимдан ажралмаган ҳолда жамоа хўжалиқларидаги бадийий-жаваскорлик тўғрақларини бошқардим, маданий саройида раҳбар бўлиб ишладим. Фаолиятим давомида эса вилоятимизнинг бош наشري

"Тошкент ҳақиқати" хамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталари яқин ҳамроҳим, маспахатчим бўлди. Пенсияга чиққанымдан сўнг эса уларга янада боғланиб қолдим.

Ўзим ҳам ижоддан узоқ эмасман. 1985-87 йилларда "Янгийул" газетаси қошидаги қишлоқ ишчи-мухбирлари тўғраги тингловчиси бўлганман. Шу даргоҳда ижод аҳлидан қалам тебратиш сирларини ўргандим. Ҳозиргача вилоят ва

туман газеталарида мақолаларим билан қатнашиб тураман.

Шу йил январь ойининг бошлари эди. Уйга келсам, қўлимга бир хат тутқазилди.

Ичидан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев имзоси билан Янги йил табриги ва қитанция чўки. Диққат билан ўқий бошладим. Қарангки, мени кўп йиллик қадрдоним "Тошкент ҳақиқати" газетасига бир йиллик бепул обуна қилишибди. Очиги, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Мендек қариянинг кўнглини кўтариб, эътибор қилганлар кам бўлма-син. Оилам номидан бу ишга бош қўшганларга соғлиқ-саломатлик, ишларига ривож тилайман.

Саиджон КАБИРОВ,
Янгийул шаҳри,
"Муस्ताқлик" маҳалласи



Muassis:
**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
- Umrat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Salom SAMADOV
- Ozoda PARPIBOYEVA
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Ra'no TURDIBOYEVA
- Sergey MUTIN
- Zarifa ERALIYEVA
- Azamat KAMOLOV

- Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV
- Qabulxona:
(71) 233-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
- Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82
- Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10
- e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

- Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
- Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
- Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 21.40
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-235.
4 162 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taбоq. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonamanzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.